ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ

БУЙРУҒИ

ШНҚ 1.04.02-22 «ТУРАР ЖОЙ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ. ЛОЙИҲАЛАШ ТАЛАБЛАРИ» ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 22 июлда ҳисобга олинди, ҳисоб рақами 264]

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 мартдаги ПФ-5963-сон «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 1.04.02-22 «Турар жой объектларини мукаммал таъмирлаш ва реконструкция қилиш. Лойиҳалаш талаблари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг 2005 йил 7 декабрдаги 67-сон буйруғи билан тасдиқланган ШНҚ 1.04.02-05 «Турар жой биноларини капитал таъмирлаш. Лойиҳалаш меъёрлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан келишилган.

4. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир Б. ЗАКИРОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 9 июль,
01/2-26-сон

Келишилди:

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси Б. ЮСУПАЛИЕВ

2024 йил 31 май

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А. АБДУХАКИМОВ

2024 йил 1 июль

Фавқулодда вазиятлар вазири А. КУЛДАШЕВ

2024 йил 13 июнь

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва
уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг
2024 йил 9 июлдаги 01/2-26-сон
буйруғига
ИЛОВА

ШНҚ 1.04.02-22 «Турар жой объектларини мукаммал таъмирлаш ва реконструкция қилиш. Лойиҳалаш талаблари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) баландлиги 50 m ва 16 қаватдан ошмаган (16-қават ҳам киради) турар жой объектлари, шунингдек қурилиши якунланмаган ва турар жой сифатида қайта ихтисослаштириладиган объектларни мукаммал таъмирлаш ҳамда реконструкция қилишда ҳажмий-режавий, конструктив ечимларни лойиҳалашга оид талабларни белгилайди.

Ушбу ШНҚнинг талаблари архитектуравий, тарихий-маданий объектлар қаторига кирувчи турар жой объектларини мукаммал таъмирлаш ҳамда реконструкция қилишга нисбатан татбиқ этилмайди.

1-боб. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар

1. Мазкур ШНҚда қуйидаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар келтирилган:

ШНҚ 2.01.02-04 «Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги»;

ҚМҚ 2.01.05-19 «Табиий ва сунъий ёритиш»;

ШНҚ 2.01.04-18 «Қурилиш иссиқлик техникаси»;

ШНҚ 2.02.01-19 «Бино ва иншоотларнинг асослари»;

ҚМҚ 2.01.03-19 «Сейсмик ҳудудларда қурилиш»;

ҚМҚ 2.04.13-99 «Қозонхоналар»;

ШНҚ 2.04.07-22 «Иссиқлик тармоқлари»;

ШНҚ 2.04.09-07 «Бино ва иншоотларнинг ёнғин автоматикаси»;

ҚМҚ 2.04.01-98 «Бинолар ички водопроводи ва канализацияси»;

ШНҚ 2.04.14-22 «Ускуналар ва қувурўтказгичларнинг иссиқлик изоляцияси»;

ШНҚ 2.07.01-23 «Аҳоли пунктларининг ҳудудларини ривожлантириш ва қуришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш»;

ШНҚ 2.07.02-22 «Қурилиш объектларини ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда кексалар эҳтиёжини инобатга олган ҳолда лойиҳалаштириш»;

ШНҚ 2.08.01-19 «Турар жой бинолари»;

СанҚваН 0331-16 «Ўзбекистон иқлим шароитида турар жой биноларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишдаги санитария қоидалари ва нормалари» *(расмий манба: Санитарные правила и нормы проектирования, устройства, содержания жилых домов в климатических условиях Узбекистана)*;

ГОСТ Р 56926-2016 «Турар жой бинолари учун турли хилдаги дераза ва балкон конструкциялари» *(расмий манба: Конструкции оконные и балконные различного функционального назначения для жилых зданий. Общие технические условия)*.

2-боб. Атамалар ва таърифлар

2**.** Ушбу ШНҚда қуйидаги атамалар ва уларнинг таърифлари қўлланилган:

турар жой объектлари — одамлар яшаши учун мўлжалланган бинолар, доимий яшаш учун уй-жойлар (хонадонлар), шунингдек вақтинча яшаш учун ётоқхоналар, меҳмонхоналар, мактаб-интернатлар, қариялар уйлари;

мукаммал таъмирлаш — бинонинг ишончлилигини ва унда қулай шароитларни таъминлашга қаратилган фойдаланиш кўрсаткичларини яхшилаган ҳолда қайта тиклаш бўйича қурилиш-таъмирлаш ишлари мажмуи;

реконструкция қилиш — асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларни (юкламаларни, хоналарнинг режалаштирилишини, бинонинг қурилиш ҳажмини ва умумий майдонини, муҳандислик жиҳатдан жиҳозланишини) ўзгартириш билан боғлиқ қурилиш ишлари ва ташкилий-техник тадбирлар мажмуи;

лоджия — уч томондан девор билан ўралган, ташқи томондан очиқ ёки ойнаванд, бино ҳажмига эга ботиқ ёзги бино.

3-боб. Умумий қоидалар

3**.** Турар жой объектларини мукаммал таъмирлаш, реконструкция қилиш лойиҳасида ҳудуддаги мавжуд турар жойларнинг архитектуравий-бадиий ечими билан уйғунлашган бўлиши лозим.

Турар жой объектлари биноларининг ҳовли олди ҳудудларининг лойиҳаларида мавжуд ўтиш йўлакларини, йўллар, тротуарлар, мавзе ичидаги ёғингарчилик сувларини оқизиш ва дренаж тизимларининг қайта қурилишини ўз ичига олиши керак.

4. Ободонлаштириш лойиҳасида ер участкаси, тупроқ-иқлим хусусиятлари, атроф-муҳит муҳофазаси белгиланиши зарур.

5. Турар жой объектлари биноларининг умумий фойдаланиш қисмлари (нотурар қисми)га кириш ҳамда фавқулодда вазиятларда чиқиш жойлари ушбу бинонинг яшаш қисмидан алоҳида бўлиши, бунда кириш-чиқиш жойларининг устки қисмида горизонтал тўсиқ ўрнатилиши лозим.

6. Мукаммал таъмирлаш ва реконструкция ишларида чордоқсиз шамоллатиладиган (вентиляция) ёки чордоқли томёпмани лойиҳалашга йўл қўйилади.

7. Беш ва ундан юқори қаватларга эга бўлган турар жой объектларини, шунингдек баландлиги икки қаватдан юқори бўлган, қариялар ва ногиронлиги бўлган шахслар яшаши учун ихтисослаштирилаётган биноларни модернизация қилиш (қайта жиҳозлаш)да юк кўтарувчанлиги 400 kg дан 630 kg гача бўлган лифтлар лойиҳаланилиши, бунда лифт шахталарини ёнмайдиган конструкциялар ичига жойлаштириш керак.

8. Мукаммал таъмирлаш ёки реконструкция қилиш лойиҳаларида осма ёки зинапоя катаги томонидан қўйиладиган лифтларни ҳисобга олиш лозим.

Лойиҳаларда лифт шахталарини яшаш хоналарига бирлаштириш ва лифт агрегати жойлашган машина хонасини яшаш хоналарининг усти ёки остига жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

9. Турар жой объектларини (намунавий лойиҳалар асосида қурилган) реконструкция қилишда хоналар майдонини санитария-эпидемиологик талабларни бузмаган ҳолда ўзгартириш (кичрайтириш ёки кенгайтириш)га йўл қўйилади.

10. Турар жой объектларини мукаммал таъмирлаш ёки реконструкция қилишни лойиҳалашда қуйидагиларга йўл қўйилади:

турар жой объектлари биноларининг юк кўтарувчи конструкциялари қўшимча юкларни кўтара олса ҳамда ушбу конструкцияларнинг мустаҳкамлик захираси амалдаги нормаларда белгиланган чегараларда бўлганда, бинога мансарда қаватини қуришга;

қаватлар сони иккитадан ортиқ бўлмаганда бино олдига йиғма темир-бетон лоджияларни ўрнатишга;

турар жой объектлари биноларининг юк кўтарувчи деворларига зарар етказмаган ҳолда хонадоннинг ички йўлаклари, деворга ўрнатилган жавон ва шкафлар ҳисобига яшаш хоналарининг майдонларини кенгайтиришга;

ётоқхона етарли майдонга эга бўлганда ва хонадоннинг коммуникация тизимлари нормасини бузмаган ҳолда ётоқхона ичида бирлашган санитария-гигиена хонасини (ҳожатхона ҳамда ювиниш хонаси бирга) қуришга;

турар жой объектлари биноларининг юк кўтарувчи конструкцияларига зарар етказмаган ҳолда ҳамда санитария ва гигиена талабларини ҳисобга олиб хонадоннинг ошхонаси ва унга туташ бўлган яшаш хонасини бирлаштиришга.

11. Реконструкция қилинаётган турар жой объектларининг биринчи қаватларидаги хонадонларни кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар (шу жумладан курси аравачаларда ҳаракатланувчи ногиронлиги бўлган шахслар) эҳтиёжларини инобатга олиб ихтисослаштирилишига йўл қўйилади.

12. Турар жой объектларини мукаммал таъмирлаш ёки реконструкция қилишни лойиҳалашда ШНҚ 2.08.01-19га мувофиқ яшаш хоналари, ошхона ва зинапоя катакларининг ёритилиши ҳамда хоналарнинг шамоллатилиши таъминланиши керак.

Турар жой объекти атрофидаги биноларда табиий ёритиш ҳамда инсоляция шарт-шароитларга салбий таъсир қилмаслик ва уларнинг кўрсаткичлари ҚМҚ 2.01.05-19 ҳамда СанҚваН 0331-16 талабларидан пасаймаслиги лозим.

4-боб. Ёнғин хавфсизлиги талаблари

13. Турар жой объектларининг тарҳини (лойиҳасини) ўзгартирмасдан мукаммал таъмирлашда яхши техник ҳолатга эга бўлган қуйидаги конструкцияларни сақлаб қолишга йўл қўйилади:

оловбардошлик чегараларини таъминлаган ҳолда ёғочдан ишланган қаватлар ораёпмасини (ошхона ораёпмаси бундан мустасно);

ёнмайдиган материаллар билан қопланган пардеворларни;

кенглиги маршнинг ҳисобий кенглигига тенг бўлган, бироқ 0,9 m дан кам бўлмаган зинапоя майдончаларини;

ўлчамларидан қатъи назар, барча балконлар ва лоджияларни.

14. Турар жой объектлари мажмуаларини лойиҳалаштиришда узун тарз бўйлаб ҳар 100 m дан кейин ёнғин ўчириш автомашиналари ва ёнғин-қутқарув техникалари учун баландлиги камида 4,25 m ва кенглиги камида 3,5 m бўлган ўтиш йўллари (ёки тоннеллар) лойиҳаланиши лозим.

15. Майдони 400 m² гача бўлган ёпиқ ҳовлиларни уларга кириш жойларисиз лойиҳалашга йўл қўйилади. Бунда, ҳовлиларда эшиклар ва зинапояларсиз пиёдалар ўтиш жойининг эни камида 1,5 m кенгликда бўлиши ҳамда баландлиги 2 m дан паст бўлмаслиги керак.

16. Баландлиги икки қаватдан юқори бўлган уйларнинг квартираларида барча деразалари ички ёпиқ ҳовлига қараганда ушбу секциялар (подъездлар) орасида ўтиш балконлари ёки эвакуация зинапоялари бўлиши лозим.

17. Мукаммал таъмирлаш ёки реконструкция қилишда ер усти қаватлари турар жой объектларида ертўладан зинапояга чиқиш жойларида ёнғинга қарши эшиклар бўлиши керак.

18. Турар жой объектларининг биринчи қаватидаги ертўладан чиқиш қисми биринчи қават зинапоясидан ёнғинга қарши пардеворлар билан ажратилиши зарур.

19. Мукаммал таъмирланадиган турар жой объектларида квартираларни икки сатҳда қуришда квартиранинг ички зинапоя маршларини ШНҚ 2.01.02-04 талабларига мувофиқ лойиҳалаш лозим.

20. Турар жой объектларининг фасад қисмида самарали иссиқлик изоляцияловчи материаллардан фойдаланиш ШНҚ 2.01.04-18 га мувофиқ амалга ошириш лозим.

21. Турар жой объектларини мукаммал таъмирлаш ва реконструкция қилиш лойиҳаларида ёнғиндан ҳимоя қилиш ҳамда одамларнинг хавфсизлиги бино ва иншоотларнинг функционал ёнғин хавфи бўйича таснифланишини ҳисобга олган ҳолда ШНҚ 2.01.02-04, шунингдек сейсмик хавфсизлиги талаблари бўйича асосий техник ечимлар ва тадбирлар ҚМҚ 2.01.03-19га мувофиқ таъминланиши керак.

22. Ёнғин ва бошқа фавқулодда вазиятлар ҳақида хабар бериш тизимлари ШНҚ 2.04.09-07 талабларига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

23. Турар жой объектларини мукаммал таъмирлаш ва реконструкция қилиш лойиҳаларида ёнғин хавфсизлиги ҳамда эвакуация йўллари ШНҚ 2.01.02-04 талабларини, шу жумладан функционал ёнғин хавфи бўйича бинолар классификацияси ҳисобга олиниши керак.

24. Эвакуация йўллари ҚМҚ 2.01.05-19 талабларига мувофиқ ёритилиши ва асосий электр таъминоти ўчирилганда кўрсаткичларнинг 1 h давомида фаолият юритишини таъминлаб ёритиш кўрсаткичлари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Ёритиш кўрсаткичларининг резерв электр таъминоти сифатида кўрсаткичларга ўрнатилган аккумуляторлар лойиҳаланилиши зарур.

5-боб. Квартира

25. Мукаммал таъмирлаш ёки реконструкция қилишда квартираларнинг умумий майдонини хоналар сонига боғлиқ ҳолда ШНҚ 2.08.01-19 да келтирилган қийматлардан кичик бўлмаган ҳолда лойиҳалаш лозим.

26. Реконструкция қилишда ёнма-ён жойлашган квартираларни бинонинг юк кўтарувчи конструкцияларига таъсир этмаган ҳолда бирлаштиришга йўл қўйилади. Бунда, ушбу квартиралар орасидаги боғланишни даҳлиз, ички йўлаклар ёки ошхонани ажратиб турувчи пардеворда эни 0,9 m, баландлиги 2,10 m дан катта бўлмаган, очиладиган эшик бўшлиғи орқали амалга ошириш керак.

27. Квартирада узунлиги 6 m дан катта бўлган хоналарни жойлаштиришга йўл қўйилади. Бунда, деразадан энг узоқ жойлашган зонадан ҳавони тортувчи вентиляция тизими бўлиши ва бу хоналарда ҚМҚ 2.01.05-19га мувофиқ табиий ёруғлик билан таъминлаш шартлари бажарилиши лозим.

28. Мукаммал таъмирлаш ёки реконструкция қилишда бир ва икки хонали квартираларда мавжуд қўшилган санитария узелларни сақлаб қолишга йўл қўйилади.

29. Газлаштирилган ошхоналар ва санитария узелларини яшаш хоналарининг усти ва остига жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

30. Яшаш хоналари ва ошхоналар устига ҳожатхоналар ва ҳаммомларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди. Икки қаватли квартиралар бундан мустасно.

31. Мукаммал таъмирлаш ёки реконструкция қилишда электр плиталари, тортувчи вентиляция ва люминесцентли чироқлар билан жиҳозланган табиий ёруғлик билан ёритилмайдиган ошхоналарни сақлаб қолишга йўл қўйилади.

Бундай ошхонани табиий ёруғлик билан ёритиладиган хонага бирлаштириш (ёнма-ён жойлаштириш) лозим.

Ушбу хоналарни ажратиб турувчи пардеворнинг 30 фоиздан кам бўлмаган майдони ёруғлик ўтказувчи (шаффоф) ойнага эга бўлиши керак.

32. ШНҚ 2.04.14-22 талабларига мувофиқ изоляция ва норматив ўлчамлар таъминланган ҳолда сув оқизувчи вертикал қувурларни хўжалик хонаси орқали ўтказишга йўл қўйилади.

33. Мукаммал таъмирлаш ёки реконструкция қилишда квартиранинг ички туташтириб қурилган хоналарида, шунингдек ертўла ва ярим ертўла (цоколь) қаватларида истиқомат қилаётган аҳолининг ҳаёт кечириши, фаолият юритиши учун яратилган шароитларнинг бузилишига олиб келувчи ШНҚ 2.08.01-19да келтирилган объектларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

6-боб. Турар жой объекти биноларининг конструкциялари

34. Турар жой объекти биноларининг ёки унинг бирон-бир қисмини мукаммал таъмирлаш лойиҳасида муайян (конкрет) объект бўйича олиб борилган муҳандислик тадқиқотлари ва техник кўрикларнинг натижаларини иш турларига боғлиқ ҳолда амалга ошириш лозим.

35. Мукаммал таъмирлаш ёки реконструкция қилиш лойиҳасига киритилган турар жой объекти биноларнинг конструкциялари ва муҳандислик тармоқлари иккита гуруҳга ажратилиши керак:

турар жой объекти биноларининг хизмат қилиш муддатини белгиловчи, алмаштирилмайдиган юк кўтарувчи конструкциялар ва уларнинг элементлари (пойдеворлар, деворлар, монолит, йиғма бетон ва темир-бетон ораёпмалар, каркаслар);

турар жой объекти биноларининг хизмат қилиш муддати давомида алмаштирилган конструкциялар, уларнинг элементлари, муҳандислик тизимлари (ёғоч ораёпмалар, поллар, ойна ва эшиклар, сантехника ва электротехника қурилмалари ҳамда ускуналари, том, бинонинг ташқи ва ички деворлари қопламаси).

36. Мукаммал таъмирлаш ёки реконструкция қилишда турар жой объекти биноларининг ундаги алоҳида элементлар ва конструкцияларнинг мустаҳкамлиги, турғунлиги, зилзилабардошлиги ҳамда оловбардошлик бўйича талаб этилган кўрсаткичлар асосида лойиҳалаш лозим.

Мукаммал таъмирлаш ёки реконструкция ишларини бажариш ва кейинги фойдаланиш жараёнининг барча босқичларида замин (асос)нинг юк кўтарувчанлик қобилияти ва устуворлигини (турғунлигини) таъминловчи чора-тадбирлар ишлаб чиқиш асосида объектларни лойиҳалаш керак.

37. Конструкцияларни кучайтиришда сақлаб қолинадиган ва кучайтириладиган конструкцияларнинг биргаликда самарали ишлашини таъминловчи чора-тадбирлар ишлаб чиқиш асосида объектларни лойиҳалаш лозим.

38. Реконструкция қилишда замин (асос) ва пойдеворларни кучайтиришни ШНҚ 2.02.01-19га мувофиқ лойиҳалаш лозим.

39. Реконструкция қилишда турар жой объекти биноларига қўшиб қуриладиган элементлар (лоджиялар, лифт шахталари, ва бошқалар)ни лойиҳалашда мавжуд бино ва унга қўшиб қурилган элементлар чўкишининг минимал фарқини ва фойдаланиш сифатларини пасайтирмасдан уларнинг минимал ўзаро силжишини таъминловчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим.

40. Хоналарнинг ичига деформация чокларини қуришга йўл қўйилмайди.

41. Тўсувчи конструкция узоқ муддатга етадиган бардошли, юқори сифатли пардоз қопламасига эга бўлганда ҳамда ҳақиқий иссиқлик узатиш қаршилиги талаб этилган ҳисобий ёки норматив қийматнинг 90 фоиздан кам бўлмаган қисмини ташкил этганда уни қўшимча иситиш қатлами билан қопламасликка йўл қўйилади.

42. Турар жой объекти биноларининг том ёки парапет қисмлари конструкцияларида бинонинг фойдаланиш даврида фойдаланиш учун технологик ускуналарни маҳкамлаш қурилмаси бўлиши лозим.

43. Турар жой объекти биноларининг архитектуравий қиёфасини бузмасдан, квартираларнинг табиий ёритилиши, инсоляцияси бўйича норматив талабларнинг бажарилиши таъминланганда ёруғлик ўтказувчи дераза ўлчамларини ўзгартиришга йўл қўйилади.

44. Турар жой объектлари биноларининг балкони, лоджия ҳамда квартиралардаги панорамали ойналар тўсиқ (панжара)ларининг баландлигини ГОСТ Р 56926-2016 бўйича қабул қилиш лозим.

Бундай турар жой объектлари биноларининг чиқиш жойлари эшик юқорисида горизонтал тўсиқ билан ҳимояланган бўлиши керак.

45. Томларни мукаммал таъмирлаш ёки реконструкция қилишда вентиляция қилинмайдиган, қўшиб қурилган томларни вентиляция қилинадиган томлар билан алмаштириш лозим.

7-боб. Муҳандислик жиҳозлаш

1-§. Асосий талаблар

46. Турар жой объектларини муҳандислик жиҳозлаш тизимининг элементларини алмаштиришни (кўриш (визуал) ва инструментал кўрикдан ўтказиш орқали) уларнинг асл ҳолатини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш лозим.

47. Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун ноқулай бўлган жойларга муҳандислик жиҳоз (ускуна)ларини ўрнатишга йўл қўйилмайди.

48. Турар жой объектларининг техник қавати ва ертўласи бўлмаганда нотурар биринчи қаватларнинг остига ёпиқ-ўтиш йўлагига эга бўлмаган ва ярим ўтиш йўлагига эга бўлган каналларни қуришга йўл қўйилади.

49. Турар жой объектлари биноларининг биринчи қавати остига изоляцияланган кириш жойларига эга бўлган техник ертўлалар ёки ўтиш йўлагига эга бўлган каналларни қуришга йўл қўйилади.

Баландлиги 1,6 m дан паст бўлмаган ва алоҳида чиқиш жойларига эга бўлган техник ертўлалардан фойдаланилганда ўтиш йўлаклари ва эшик бўшлиқларининг қувурўтказгичлар билан кесишишига йўл қўйилмайди.

50. Муҳандислик коммуникацияларини бино пойдеворларидан пастга жойлаштиришда юкларнинг шу пойдеворлардан қувурўтказгичларга узатилишининг олдини олувчи чора-тадбирларни амалга оширган ҳолда лойиҳалаш лозим.

2-§. Иситиш тизими ва вентиляция

51. Турар жой объектлари ичига қуриладиган ва қўшиб қуриладиган қозонхоналарни ўрнатишни ҚМҚ 2.04.13-99 ва ШНҚ 2.04.07-22га мувофиқ лойиҳалаш лозим.

52. Турар жой объектларининг ертўла ҳамда цокол қаватларига газ ва суюқ ёқилғида ишлайдиган қозонхоналарни жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

53. Автоматлаштирилган индивидуал иситиш пунктларини (бундан буён матнда ИИП деб юритилади) ертўла хоналарига жойлаштиришга, шунингдек ертўлалар бўлмаган ҳолларда уларни биринчи қават хоналарига жойлаштиришга йўл қўйилади. ИИП хонаси бошқа хоналардан ажратилган бўлиши ва ташқарига олиб чиқувчи алоҳида чиқиш жойига эга бўлиши лозим.

54. Насосли ускуна ва сув қиздириш қурилмалари мавжуд бўлганда ИИПни фақат нотурар хоналар остига жойлаштиришга йўл қўйилади.

55. Ертўлага эга бўлган кўп хонадонли турар жой объектларининг иситиш тизимини қуйи тармоқли қилишга йўл қўйилади.

56. Қаттиқ ёнилғида ишлайдиган иситиш қозонларини икки қаватли (2-қават ҳам киради) турар жой объектларининг ҳар бир квартирасига ўрнатишга йўл қўйилади. Табиий газ (метан)да ишлайдиган ёпиқ ёниш камерали қозонлар 16 қаватли (16-қават ҳам киради), баландлиги 50 m дан юқори бўлмаган турар жой объектларида ўрнатишга йўл қўйилади.

57. Реконструкция қилишда локал иситиш иссиқлик тизимига уланадиган кўп хонадонли турар жой объектларида иссиқ сув истеъмоли ҳажмининг 25 фоизи ушбу объектларида ўрнатиладиган қуёш сув иситиш қурилмалари орқали қопланишини таъминлаши керак.

58. Нурланиш ва қисман конвекция йўли билан иситиладиган панелли биноларни мукаммал таъмирлашда радиаторлар ва конвекторларни ўрнатиш билан очиқ ётқизиладиган иситиш тизимини лойиҳалаш лозим.

59. Пўлат радиаторларни иссиқлик ташувчи модда сифатида 0,5 g/m^3 дан кўп бўлмаган кислород миқдорига эга бўлган сувдан фойдаланиладиган иситиш тизимларида ўрнатишга йўл қўйилади.

60. Сочиқ қуритиш мосламасини иссиқ сув таъминоти тизимига улаш лозим, бу тизим бўлмаган ҳолда ёзги вақтда ўчириш имконини берувчи, схема асосида иситиладиган иситиш тизимига улашга йўл қўйилади.

61. Индивидуал ҳаво тортувчи каналлар унумдорлиги етарли бўлмаганда ички деворларда қўшимча вентиляция тизими панжараларини ўрнатишни лойиҳалаш лозим.

62. Реконструкция қилишда хонадонларнинг санитария-гигиена хоналарининг ҳолати, ўлчамлари ўзгарганда ёки қўшимча санитария-гигиена хоналари ва ҳаво тортувчи каналлар қурилганда, горизонтал ҳаво чиқариш каналларини вертикал вентиляция каналларига улаш жойиларигача қуришни лойиҳалаш керак.

Бунда, сўриб олинувчи ҳавони бир хонадондан бошқа хонадонга вертикал бўйича ўтказишга йўл қўйилмайди, вентиляция блокларидаги фойдаланилмаётган каналларнинг вентиляция шахтаси билан бириккан жойларини герметик қилиб маҳкамлаш лойиҳаларда кўрсатилиши лозим.

63. Ҳаво тўплагичдан чиқадиган қувурўтказгичларнинг нишаби 0,002 дан кичик бўлмаган қийматни ташкил этса, бунда иссиқлик ташувчи модданинг магистралларда оқиш тезлиги 0,25 m/s дан кичик бўлмаса, иссиқлик ташувчи моддалар ва ҳавонинг оқимга қарши ҳаракатланишида ички қисмига қувурўтказгичлар жойлаштирилган марказий ҳаво тўплагичларни (воздухосборники) сақлаб қолишга йўл қўйилади.

64. Марказий иситиш ва иссиқ сув таъминотининг турар жой мавзеси ичидаги тармоқларини биноларнинг ертўла ёки ерости техник қаватлари орқали ўтказишга йўл қўйилмайди.

3-§. Сув таъминоти ва оқова сувларни оқизиш тизими

65. Ичимлик сув таъминоти ва оқова сувларни оқизиш тизимини мукаммал таъмирлашда қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни оқизиш қувурларини тутун ва вентиляция каналлари ичидан ўтказишга;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни оқизиш қувурларининг тутун ва вентиляция каналлари билан кесишишига;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни оқизиш қувурларининг вертикал қувурлари (стояклари)ни биноларларнинг пиёда ҳамда автомобиллар учун ҳаракатланиш йўлакларидан ўтказишга.

66. Ички сув таъминоти тизимини бутунлай ёки унинг асосий қисмларини алмаштиришда аввалги тармоқлаш схемаси ҚМҚ 2.04.01-98 талабларига мувофиқ бўлганда сақлаб қолинишига йўл қўйилади.

67. Квартиранинг ички тармоқлари ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни оқизиш тизимини турар жой объектларининг ертўла ёки ерости техник қавати орқали ўтказишга йўл қўйилмайди.

68. Яшаш хоналари орқали горизонтал ҳолатда транзит ўтадиган совуқ сув қувурлари ва вертикал қувурлар (стояклар) улар сиртида конденсат ҳосил бўлмаслиги учун буғ изоляциясига эга бўлиши лозим.

69. Турар жой объектларидаги хоналарнинг жойлашиши хавфсизлик техникаси қоидаларига мос келганда, марказий иссиқ сув таъминоти бўлмаган ҳолларда газ билан ишлайдиган сув иситкичларни сақлаб қолишга йўл қўйилади.

70. Ички канализация қувурларини ҳовли ҳудудидаги қувурларга улашни фақат бино ташқарисида қурилган қудуқларда амалга ошириш лозим.

4-§. Газ таъминоти, электр ва алоқа қурилмалари

71. Газ билан ишлайдиган сув иситкичларининг тутун ҳайдовчи герметик изоляцияланган қувурларини ванна хоналари орқали ўтказишга йўл қўйилади.

72. Турар жой объектларининг газ ускуналари ўрнатиладиган хоналардаги газ қувурларида ис гази концентрациясини аниқловчи газоанализаторли ўчирувчи клапан лойиҳаланиши лозим.

73. Турар жой объектларининг ташқи деворига жойлаштирилган мўриларни ёнғин хавфсизлиги ва иссиқлик техникаси талабларига жавоб берганда сақлаб қолишга йўл қўйилади.

74. Мукаммал таъмирлаш ҳамда реконструкция қилишда электротехника ва алоқа қурилмалари монтажини ҚМҚ 2.08.01-94 талабларига мувофиқ лойиҳалаш керак.

75. Газ таъминотининг мавзе ичидаги тармоқларини турар жой объектларининг ертўла ёки ерости техник қавати орқали ўтказишга йўл қўйилмайди.

8-боб. Ҳудудни ободонлаштириш

76. Турар жой объектлари биноларининг олди ҳудудини ободонлаштириш лойиҳасини мавзе (микрорайон) ичидаги бинолар гуруҳи ёки алоҳида бино учун ишлаб чиқиш лозим.

Мазкур лойиҳалар кўкаламзорлаштиришни ташкил этишда, кўчаларга тош ётқизишда, кичик шаклларни жойлаштиришда, пиёдаларнинг хавфсиз ҳаракатланиши, курси аравачаларда ҳаракатланувчи ногиронлиги бўлган шахслар учун пандуслар, участка ҳудудига кириб келиши назарда тутилган транспорт воситаларининг ҳаракатланиши ва бурилишини таъминлаши лозим.

77. Мукаммал таъмирланаётган ҳамда реконструкция қилинаётган турар жой биноларининг кўкаламзорлаштирилган ҳудудлари майдонлари (мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари ҳудудларини ҳисобга олмаганда) мавзе ҳудуди майдонининг 25 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

78. Турар жой объектлари гуруҳи атрофидаги ҳудудни ободонлаштиришда ушбу бинолар яшовчи аҳоли учун умумий бўлган болалар ўйин майдончалари, жисмоний тарбия билан шуғулланиш, дам олиш ва хўжалик ҳамда автомобил тураргоҳлари учун майдончаларни ҳам лойиҳалаш лозим.

79. Мукаммал таъмирлаш ҳамда реконструкция қилишда турар жой объектлари орасидаги ҳамда атрофидаги ҳаракатланиш йўллари, тротуралар, пиёдалар ўтиш йўлаклари, автомобил йўллари билан туташ майдонларини лойиҳалаш ШНҚ 2.08.01-19, ШНҚ 2.07.01-23 ҳамда ШНҚ 2.07.02-22 талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.